

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси  
7-сонли Ш А Р Т Н О М А

Наманган ш.

“14” Май 2022 йил

Бундан буён “Буюртмачи” деб аталувчи Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи директор Ш.Имамов биринчи томондан ва иккинчи томондан “Бажарувчи” деб аталувчи “NIXOL TEX Model” ТБД директори Б.Турсунов орқали Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан қуйидаги шартномани туздилар:

### 1. Шартнома предмети

1.1. “Буюртмачи” Янги Наманган туманига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252-сонли қарорига асосан 9 та “Енгил типдаги иссиқхона” қуриб бериш хизмати.

### 2. Шартнома баҳоси ва тўловлар қондалари

№	Товар хизмат номи	Ўлчов бирлиги	Суммаси	Умумий суммаси	Харажаат коди
1	“Енгил типдаги иссиқхона” 1 сотихли	9	8 400 400	75 603 600	4821190
	Жами	9		75 603 600	

2.1. Ишларни амалга оширишнинг шартнома баҳоси ҚҚС билан 75 603 600 (Етмиш беш миллион олти юз уч минг олти юз) сўмни ташкил қилади.

2.2. “Буюртмачи” 10 (ўн) банк куни ичида шартнома баҳосининг 30% миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Ишлар қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ёки ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда шартнома баҳоси ўзгартирилиши мумкин.

### 3. Томонлар мажбуриятлари

3.1. “Бажарувчи” ишларни шартнома вазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 30 кун муддатда бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Бажарувчи” лойиҳа смета ҳужжатлари қайта ҳисоблангандан сўнг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда иштирак этишни ўз зиммасига олади.

3.3. “Буюртмачи” ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг сўрови асосида тақдим қилиши шарт.

3.4. “Буюртмачи” шартномада кўзда тутилган шартлар ва тартиблар асосида тўловни амалга ошириш, ишларнинг шартномада кўрсатилган ҳажм ва шартларга мувофиқ бажарилишида “Буюртмачи” томонидан бажарилиши зарур бўлган ишларни бажариш, бажарилган ишлардан шартномада кўзда тутилган мақсадларда фойдаланишни ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” томонидан аванс тўлов ўз вақтида ўтказилмаган ҳолда ёки ишни амалга ошириш учун зарур бўлган бирламчи маълумотлар ва материалларни “Бажарувчи”нинг талабига асосан тақдим этмаганида ишларни бошлаш ва тугаллаш муддати ҳам аванс тўлови ва маълумотлар берилиши кечиктирилган вақтга қадар узайтирилади.

#### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Ишлар тугагандан сўнг “Бажарувчи” “Буюртмачи”га ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси, фото лавхалари билан топширади.

4.2. “Буюртмачи” ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномасини олгандан сўнг 10 кун мобайнида ишларни қабул қилиш ва “Бажарувчи”га имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборишни ўз зиммасига олади.

Агар “Буюртмачи” ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 кун муддат ичида “Бажарувчи”га камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда “Буюртмачи” ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини “Бажарувчи”га қайтариши шарт.

4.3. “Буюртмачи” ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун ичида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт. Ишларнинг тўхтатилиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликка олиб келади.

4.5. Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб-китоб қилиш вақти ҳисобланади.

4.6. Лозим топилган ҳолларда томонлар холис экспертларга Лойиҳа бўйича ҳулоса учун мурожаат қилиши ёки қабул комиссияси ташкил қилиши мумкин.

#### **5. Конфиденциал маълумотларни ҳимоялаш**

5.1. Ишлар бажарилиши даврида “Бажарувчи” ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни “Буюртмачи”дан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

#### **6. Қўшимча шартлар**

6.1. “Бажарувчи” ишларни муддатидан олдин бажарган ҳолда, “Буюртмачи” уни мазкур шартноманинг 4-моддасига асосан қабул қилади ва тўла тўловни амалга оширади.

6.2. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

6.3. “Бажарувчи” мазкур шартномада кўрсатилган ишларни бажариш вақтида ўз имкониятларидан келиб чиқиб, “Буюртмачи”ни хабардор қилмаган ҳолда учинчи шахсларни, жумладан юридик ва жисмоний шахсларни мустақил равишда жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Мазкур шартноманинг шартлари шартнома предмети бўйича тарафларнинг шартнома тузишидан олдин вужудга келган муносабатларига ва “Бажарувчи”нинг объект бўйича бажарган ишларига нисбатан қўлланилади.

6.4. Мазкур шартнома амал қилиш давомида юзага келадиган тортишувлар, келишмовчиликлар, низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.



Келишувга келинмаган таъдирда тортинувлар, келишмовчиликлар, низолар Иқтисодий судда эътироз тартибига риоя қилган ҳолда кўриб чиқилади. Эътирозлар ёзма равишда таъдим қилиниши керак ва уларни кўриб чиқиш муддати эътироз билдирилган томон олганидан кейин 1 (бир) ой муддатни ташкил этади. Мазкур шартнома бўйича шундоқ келиб чиққан ҳолларда қонулда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

6.5. "Буюртмачи" томонидан дастлабки тўлов ва "Бажарувчи" томонидан ишлар тўлиқриилганда шартлашилган ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, буида пенянинг умумий суммаси шартнома баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш "Буюртмачи"ни тўловнинг кечикиши ёки хизматлар, ишларнинг асосан қабул қилинмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.6 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига, хусусан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий – ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ белгиланади.

6.7. Шартнома ўзбек тилида икки нусхада тузилди ва ҳар иккала нусхаси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлади.

6.8. Шартнома 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

6.9. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:

- Шартнома баҳосини келишув баённомаси (1-илова)
- Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни бажариш ва молиялаштириш жадвали. (2-илова)

## 7. Томонларнинг манзили ва ҳисоб рақамлари

### «БУЮРТМАЧИ»

Номи: Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Наманган вилояти ҳудудий бошқармаси  
Манзили: Наманган шаҳар Тўрақўрган куча 206-а уй

Тел: 99-970-64-82

СТИР: 207338343

Ҳисоб-рақам: 30541260944017041907140188

Буюртмачининг ёғначиликдаги ҳисоб-рақами:

Ягона газначилик ҳисоби (ЯҒХ):

23402000300100001010 МФО 00014

Бошқарма бошлиғи  Ш.Имамов



### «БАЖАРУВЧИ»

Номи Ишқол Саидовел ЧБД


Манзили: Қалъачан ш  
Балқош йўри 2 калъачан буй

Тел: 94 208 8190

Ҳисоб-рақами 20208000705173123001

Банк номи Валмиера Банк

ИНН: 304093172



  
Ишқол Р.А. Юсупов  
Мил: 63

# МУХОКАМА АХБОРОТИ

09 ноябрь 2022 йил

Наманган шаҳар

Наманган вилояти ҳудудидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Наманган вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан 2022 йил “08” ноябрдаги № 22110012173156- сонли лотга асосан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22- апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 56 ва 58 – моддалари талабларидан келиб чиқиб энг яхши таклифларни танлаш тури бўйича Янги Наманган туман 9 нафар кам таъминланган фуқаролар хонадонларига “**Енгил типдаги 1 сотихли несиқхона қуриш**” (иш,хизмат) учун харидлар амалга оширилиши режалаштирилган. Шунга асосан белгиланган муддатлар асосида Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги 684-сонли “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни – 60 ва 61 моддалари талабларидан келиб чиқиб танлов савдолари ўтказилди. Мазкур танлов савдолари якуни бўйича **ООО DILSHODA XURSHID TOMORQA XIZMATI, GREAT KOMPLEKS MCHJ, ООО NIHOL TEXMODEL TBD, ООО ROAD CONSTRU PROJECT INVEST**лар томонидан берилган таклифлар орасида **ООО NIHOL TEXMODEL TBD** комиссия аъзолари энг мақбули деб топилди.


Ушбу танлов жараёнлари бўйича расмийлаштирилган баённомалар “Давлат харидлари тўғриси”даги қонуни 62-моддасига асосан давлат буюртмачиси томонидан расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Шунга асосан икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмади. Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилиши белгилаб олинди. Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни  
ривожлантириш агентлиги Наманган  
вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Бошқарма бошлиғи ўринбосар

Бўлим бошлиғи



  
М.Имамов

Қ.Соходиллаев

Ғ.Махмудов